
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 ОЙИДА ХОРИЖГА ЭНГ КЎП ОЛМА ЭКСПОРТ ҚИЛГАН ҲУДУД БЎЛДИ

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон 7 та давлатга қиймати 7,3 миллион долларга тенг бўлган 18,5 минг тонна олма экспорт қилган.

Олма экспорти ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 9,4 минг тоннага ошган.

2022 йилнинг 10 ойида Ўзбекистондан энг кўп Қозоғистонга 12,6 минг тонна, Россияга 4,2 минг тонна, Қирғизистонга 1,5 минг тонна, Туркманистонга эса 163 тонна олма экспорти амалга оширилган.

Жорий йилнинг 10 ойида хорижга энг кўп олма экспорт қилган ҳудудлар орасида Фарғона вилояти 5 минг тонна билан етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда Хоразм вилояти 4,5 минг тонна, Тошкент вилояти 1,8 минг тонна.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-12-09 14:18:42